

Р.А.КАЛАНДАРОВ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ  
РИВОЖЛАНИШИГА ИНСТИТУЦИОНАЛ  
ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ  
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ



УЎК: 330.341.42

БКБ: 65.262.10

ЧК - 18

Такризчилар: ТМИ “Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси мудири  
и.ф.д., профессор Э.И.Эргашев

ЎзМУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири  
и.ф.д., профессор Қ.Қ.Мамбетжанов

**Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш йўллари: Монография / Р.А.Каландаров. – Т.: “CHINOR FAYZI BALAND”, 2024. – 156 б.**

Мазкур монография иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш йўллари тадқиқ этишга бағишланган. Унда институтлар ва институционал ўзгаришларга турли хил қарашлар, институционал ўзгаришларнинг зарурияти, йўналишлари, гуруҳлари кенг мазмунда ўрганилган. Институционал ўзгаришларнинг иқтисодиётнинг реал сектордаги ривожланиш жараёнидаги ролини очиқ берилган. Институционал ўзгаришларга баҳо беришда иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичлари асос қилиб олинган. Ўзбекистондаги иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичлари асосланиб корреляцион-регрессион таҳлил амалга оширилган ва кўп омилли эконометрик модел ишлаб чиқилган. Эконометрик модел асосида Ўзбекистондаги институционал ўзгаришлар ва ЯИМ прогнози берилган.


Шунингдек, институционал ўзгаришларнинг реал сектор ривожланишига таъсири оширишда давлатнинг роли билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Глобаллашув шароитида реал сектор ривожланиш йўналишини белгилашда давлатнинг узаро манфаатли алоқаларни таъминлашдаги ўрни асослаб берилган. Давлатнинг барча хужалик субъектларида амалга оширилаётган институционал ўзгаришларга таъсири баҳоланган.

Мазкур монография барча иқтисодчилар, иқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талаба ва магистрантлар, соҳага қизиқувчи ва тадқиқотчилар ҳамда институтларнинг мазмунини тушуниш, институционал ўзгаришларнинг моҳияти ва амалга оширилиши тўғрисида маълумотга эга бўлиш истаги бўлган китобхонлар учун мўлжалланган.

*Монография Тошкент молия институти Кенгашининг “30” май  
2023 йилдаги №10/6.5(3)-сонли қарори билан нашр этишга тавсия этилган.*

УЎК: 330.341.42

БКБ: 65.262.10



© Р.А.Каландаров, 2024  
© “CHINOR FAYZI BALAND”, 2024

## КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ҳамда сўнгги йилларда дунёда геосиёсий вазиятнинг мураккаблашуви сабабли юзага келган номутаносибликлар барча мамлакатларда институционал ўзгаришларни жадал суръатларда амалга оширишни тақозо этмоқда. Ривожланган мамлакатлар институционал ўзгариши асосан мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида реал сектор таркибини такомиллаштиришга қаратилмоқда. Аммо, шундай бўлишига қарамасдан, тадқиқотлар сўнгги йилларда институционал ўзгаришлардаги ҳолат салбий тенденцияни кўрсатмоқда. Жумладан, “2020 йилга қараганда 2021 йилда етакчи ҳисобланган АҚШ 9-ўриндан 12-ўринга (кўрсаткичнинг 88,9 дан 87,6 га), Гонконг 5-ўриндан 11-ўринга (кўрсаткичнинг 90,4 дан 88,1 га) тушди”<sup>1</sup>. Бу эса, ўз навбатида, ривожланиш даражасидан қатъий назар барча мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига институционал ўзгаришларнинг ижобий таъсирини ошириш йўллари тадқиқ этишни тақозо қилади.

Жаҳонда институционал ўзгаришларнинг иқтисодиётга таъсири бўйича тадқиқотлар асосан учта йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. Жумладан, биринчи йўналиш ўз ичига сиёсий муҳитдаги институционал ўзгаришларни баҳолаш тизимини ўз ичига қамраб олиб, бунда мамлакатдаги сиёсий муҳит барқарорлиги ҳамда бизнес билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш, давлат функцияларининг ўзгариши ва хизматлар сифатини ошириш муаммолари; иккинчи йўналиш реал сектор корхоналари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий қонунчилик базасидаги ўзгаришлар; учинчи йўналишда бизнесни ташкил этишни соддалаштириш, кредит бўйича фоиз ставкаларини оптималлаштириш каби муаммолар тадқиқ этилмоқда.

---

<sup>1</sup> The Global Innovation Index 2020: Who Will Finance Innovation? is the result of a collaboration between Cornell University, INSEAD, and the World Intellectual Property Organization (WIPO) as co-publishers, and their Knowledge Partners. 2020 - pp. 262. - [https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo\\_pub\\_gii\\_2020.pdf](https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2020.pdf) ва The Global Innovation Index 2021: Tracking Innovation through the COVID-19 Crisis. 2021.- pp. 90, 167. - [https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo\\_pub\\_gii\\_2021.pdf](https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf).

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
<b>1 БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИКНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>8</b>
1.1-§. Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришлар таъсири тўғрисидаги назарий қарашлар эволюцияси.....	8
1.2-§. Иқтисодиётда институционал ўзгаришларни амалга оширишнинг объектив зарурлиги.....	25
1.3-§. Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланиши ва институционал ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликнинг амал қилиш тамойиллари.....	38
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	51
<b>2 БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ РИВОЖЛАНИШИГА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ.....</b>	<b>53</b>
2.1-§. Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланиши тенденциялари ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	53
2.2-§. Ўзбекистонда институционал ўзгаришларнинг амалга оширилиши ва унга таъсир қилувчи омиллар.....	67
2.3-§. Мамлакатда институционал ўзгаришларнинг иқтисодиёт реал сектори ривожланишига таъсири.....	84
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	95
<b>3 БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....</b>	<b>97</b>
3.1-§. Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишида институционал ўзгаришларни амалга оширишнинг хориж тажрибалари ва ундан самарали фойдаланиш.....	97
3.2-§. Институционал ўзгаришларнинг реал сектор ривожланишига таъсири оширишда давлатнинг иқтисодий механизмларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	113
3.3-§. Мамлакат реал секторига кўрсатилаётган хизматларда давлат улушини камайтириш йўллари.....	127
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	137
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>139</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>141</b>